

# **Ақийда дарслари (197-дарс) Фаришталарнинг сифатлари (иккинчи мақола)**



19:00 / 24.08.2022 3184

## 5. Аллоҳ таоло Фотир сурасида:

ثَالِثَ وَيَنْتَمِيَّةَ حَنْجَ يَلْوُ الْسُّرَّةَ كَيْ أَلْمَلَ لِلْعَاجَ ضَرَّالْ أَوْتَأَوْمَسَلَ لِرَطَافَهَ لَلْدَمَحُلَا  
رِيَدَقِيَّءِيَشَّلُكَ يَلَعَهَلَلَانِإِعَاشَيَامِقَلَحُلَا يَفُدِيزَيَعَابُرَو

**«Осмонлару ерни йўқдан бор қилган, фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар қилган Аллоҳга ҳамд бўлсин. (У Зот) махлуқотларда нимани хоҳласа, зиёда қилур. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага ўта қодирдир», деган (1-оят).**

*Дунёдаги барча ҳамду сано, мақтов-олқиши*

«...фаришталарни икки, уч, түрт қанотли әлчилар қилған Аллоҳга» хосдир, муносибдир.

Фаришталар Аллоҳ яратган ўзига хос зотлардир. Башқа оятларда уларнинг табиатлари, адо этадиган вазифалари ва бошқа хусусиятлари ҳақида сўз юритилган. Бу оядда улар жисмоний тузилишларининг бир қисми, яъни икки, уч, тўрт қанотли бўлишлари ҳақида сўз бормоқда. Биз «қанотли махлуқот» деганда қушларни тушунамиз. Уларда иккита қанот бўлади.

Аммо фаришталар ичидә иккитадан күп қанотлилари ҳам бўлар экан. Лекин фаришталарнинг асл тузилишларини Аллоҳнинг Ўзи билади.

Аллоҳ таоло билан бандалари ўртасида элчилик вазифасини ўтаган Жаброил алайҳиссалом ваҳий келтириб турган. У Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга турли ҳолатларда кўринган.

Сәхих ҳадисларда ривоят қилинишича, Ҳазрати Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброил алайҳиссаломни асл хилқатларида икки марта күрганлар.

Биринчи марта Ҳиро ғоридан тушиб келаётиб, водийда қанотлари билан осмонни түсиб турганида кўрганлар.

Иккинчи марта Исрө кечасида кўрганлар. Ўшанда олти юзта қаноти борлиги, ҳар бир қаноти мағриб билан машриққа етиши айтилган. Бундан фаришталар фақат икки, уч, тўрт қанотли эмас, ундан кўп қанотли ҳам бўлишлари келиб чиқади. Оятда қанотлар сони чегараланаётгани йўқ, балки уларнинг кўп бўлиши айтиляпти. Шунинг учун ҳам оятнинг давомида:

«(У Зот) махлукотларда нимани хоҳласа, зиёда қилур», дейилмоқда.

#### 6. Аллоҳ таоло Марям сурасида:

﴿إِنَّمَا تَذَكَّرُ مِنْ أَنْوَافِ الْمَرْأَةِ إِذَا مَرَّتْ بِكُلِّ ابْرُكْذَاءٍ وَأَيْسَرِ شَبَابٍ لَهُنَّ مُنْدُودُونَ﴾

**«Китобда Марямни эсла. У ўз аҳлидан шарқий маконга ажраб чиққанида ва улар билан ўзи орасида тўсиқ олганида унга Ўз руҳимизни юбордик. Бас, у унга бус-бутун одам бўлиб кўринди», деган (16-17-оятлар).**

Яъни «Эй Муҳаммад, бу китобда (Қуръонда) Марямни эсла. Унинг ғаройиб қиссасини зикр эт».

## Қисса қүйидагиңа:

«У ўз аҳлидан шарқий маконга ажраб чиққанида ва улар билан ўзи орасида түсиқ олганида...»

Байтул Мақдисда яшаётган озода, бокира, тақводор қызы Марям қавмидан ажралиб, шаҳарнинг шарқий томонига ёлғиз чиқди. Нимага чиққанини

Аллоҳ билади. Эҳтимол, бўйи етган қизларга хос, бирор сезиши мумкин бўлмаган сирли иши бордир. Хуллас, ўша ерга чиқиб, ўзи ва қавми орасида тўсиқ олди. Қавмидан ҳеч ким Марямни кўрмайдиган бўлди. У холи ва ёлғиз қолди. Шунда «унга Ўз руҳимизни юбордик. Бас, у унга бус-бутун одам бўлиб кўринди».

Яъни фаришта Жаброил алайҳиссалом Марямга тўла-тўкис одам сиймосида намоён бўлди. Аллоҳ уни яратган асл ҳолатида кўринмади. Чунки бус-бутун ҳолида кўринса, Марям буткул даҳшатга тушиши мумкин эди.

Демак, фаришта турли инсонлар шаклига кириб кўриниши мумкин экан.

Жаброил алайҳиссалом одам шаклида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келганларида, асосан Диҳятул Калбий исмли саҳобийнинг суратларида келганлар.

Аммо баъзи ҳадисларда ҳеч ким танимайдиган одам шаклида келганлари ҳам ривоят қилинган.

**«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди**